O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 23 OKTABR ◆ SESHANBA ◆ № 125 (26.827)

АВСТРИЯ ОЙНАИ ЖАҲОНИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Яқинда Австрия телевидениесининг етакчи канали орқали Ўзбекистон ҳақида фильм намойиш этилди. Австриянинг «ORF» миллий телерадиокомпанияси ижодкорлари томонидан суратга олинган мазкур фильмда мамлакатимизнинг бугунги куни, ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари, шунингдек, мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам тантаналари ҳақидаги ҳикоялар ўз аксини топган.

Мазкур фильм Австрияда оммавийлиги билан ном таратган «Маданият масалалари муҳокамаси учун учрашув жойи» ҳамда «Якшанба тонги» кўрсатувлари доирасида намойиш этилгани Австрия ва унга ёндош мамлакатлар телетомошабинларига халқимизнинг тарихи, унинг бой маданий-маънавий мероси билан яқиндан танишиш имконини берди.

■ «Жаҳон» АА

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 октябрь куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Руминия ташқи ишлар вазири Мирча Жеоанени қабул қилди.

— Ташрифингиз Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳар томонлама ривожланиб бораётган муносабатларда муҳим ўрин тутади, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Сўнгги йилларда, айниқса, бозор муносабатларига ўтиш ва демократия қадриятларини мустаҳкамлаш жараёнидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Дарҳақиқат, 1992 йилнинг февралида Ўзбекистон мазкур ташкилот сафига қабул қилинганидан буён икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланяпти. ЕХҲТнинг кўплаб тадбирлари орқали Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро миқёсдаги ташаббуслари, мамлакатимизнинг дунёдаги долзарб масалаларга муносабати халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этилмоқда. ЕХҲТ ҳужжатларида Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорлик, шунингдек, хавфсизлик масалаларида баҳамжиҳат иш кўриш борасидаги ташаббуслари ўз аксини топган. Хусусан, ташкилотнинг 1999 йилги Истанбул саммитида қабул қилинган Европа хавфсизлиги хартиясига ЕХҲТ минтақаси хавфсизлигига ташқи таҳдидлар мавжудлиги ва уларнинг хавфи ҳақидаги тезис киритилган.

Ташкилотнинг амалдаги раислари ҳар йили Ўзбекистонга келиб, турли муаммо ва можароларнинг олдини олиш, экология, иқтисодиёт, инсоний мезонлар ва умуман минтақа барқарорлигига таҳдид солаётган омилларни ўрганиб, таҳлил этиш борасида музокаралар ўтказади. Ўзбекистон ЕХҲТ раҳнамолигидаги кўплаб анжуманларга мезбонлик ҳам қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари М.Жеоаненинг юртимизга ташрифини нафақат ЕХҲТнинг амалдаги раиси, балки Руминия ташқи ишлар вазирининг ташрифи, деб ҳам билишини таъкидлади ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг суръати тобора ошаётганидан мамнуният билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон — ЕХҲТ муносабатларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратда: қабул пайти

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ

ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ ТУРМАГАН УНИ ЁҚЛАГАН БЎЛАДИ

ФАКТ. ТАЛҚИН. МУНОСАБАТ.

I. «ЕР ҚАЪРИГА КИРИБ КЕТАЯПМИЗ...»

Кулфат олдида инсон ожиз, наинки инсон, ҳатто қудратли давлатлар ҳам ногаҳоний фалокат олдида танг қолиши табиийдир. Албатта бундан, «Уч-тўртта террорчи дунёни тиз чўктиришга қодир экан-да», деган хулоса чиқармаслик керак. Масаланинг моҳияти шундаки, терроризм ҳеч кутилмаганда даҳшат солиб тажовуз қилиши ва ўзининг ёвузлиги, шафқатсизлиги, қабоҳати билан инсонийликка тамомила зиддир. Шу боис у дафъатан ҳар қандай одамни саросимага солиб қўяди.

«Ақлга сиғдириб бўлмайди — ҳозиргина бизнинг иморатга баҳайбат самолёт келиб урилди!..» — 11 сентябрь куни Нью-Йоркда, Жаҳон савдо марказининг 84-қаватига биринчи «Боинг-767» келиб урилганида тез ёрдам хизматига дастлабки хабар шу тахлит етказилган. «Си-Эн-Эн» телекомпанияси намойиш этган, мислсиз аланга ичида қолган кишиларнинг нажот истаб қилган сўнгги илтижолари террор даҳшатини ўзида тўлиқ намоён этади:

8:47. «Ҳозиргина марказда кучли портлаш рўй берди!»

8:56. « Қиёмат қойим!..»

8:57. «Одамлар тириклайин ёниб кетаяпти!..»

9:04. «Худо ҳаққи, ёрдам беринглар!..»

Мана шу лаҳзаларда яна бир «Боинг-767» қиялаб келиб, иккинчи бинонинг 64-қаватини ёриб киради ва портлайди. Аланга ичида қолган биринчи бинодан эса (унинг баландлиги 415 метр) одамлар ўзларини ерга ташлай бошлайди.

9:09. «Менимча, пастда уларни тутиб олишга ҳеч ким ҳаракат қилмаётган бўлса керак?..»

9:17. «Ҳозиргина зиналар тўкилиб тушди. Энди нима бўлади? Биз қандай қилиб ташқарига чиқиб оламиз?..»

9:36. «Лифтда қамалиб қолдик! Одамлар тутундан бўғилиб ўлаяпти! Нега бундай бўлаяпти? Ахир, биз ҳеч кимга ёмонлик қилмаган эдик-ку?..»

Мана шу сонияда 110 қаватли биринчи бино тутдай тўкилиб тушади. Осмонўпар иккинчи бинони эса енгин ўраб олади.

10:15. «Назаримда, 108-қаватда тирик жон қолмади. Пастга тушишнинг ҳам иложи йўқ. Хотиним туғруқхонада эди. Шундай бўлганини ундан яшириб турсангизлар, илтимос, кейин, кўзи ёригач, билар...»

10:30. «Эй, одамлар! Биз ернинг комига кириб кетаяпмиз!..»

Гайриинсоний тажовузнинг бегуноҳ қурбонлари сўнгги нафасига қадар дунёдан кўнгил узишмаган. Лекин жабрдийдаларга ёрдам беришнинг ҳам ҳеч қандай иложи йўқ эди. Жаҳаннамий фожиа ўзининг қўлами ва кетма-кетлиги, ногаҳонийлиги билан ақли расо кишиларни шошириб ташлаганди...

Шу вақтнинг ўзида Вашингтонда ҳам кетма-кет шундай икки ҳалокат содир этилган. Энди сиз террорчилар қўлига ўтган бу самолётлардаги 266 йўловчининг, нима учун ернинг қаърига кириб кетганини ўзи англаб улгурмаган 4613 кишининг ҳолатини, уларнинг ортида қолган, ҳали-ҳамон дил яраси битмаган, жудолик ситимини бошидан кечираётган болалар, оналар ва аёлларнинг, олти мингга яқин тан жароҳати олган инсонларнинг дарду ҳасратини, ташвишларини ўзингизга бир тасаввур этинг...

Бу мудҳиш фожиа дунёнинг 80 мамлакатига бевосита дахлдордир, чунки уларнинг фуқаролари ҳам Жаҳон савдо марказида хизмат қиларди. Бу одамлар орасида Ўзбекистоннинг ҳам икки фарзанди бўлган...

Одам боласи ўз ҳаётини ташкил этаётганида ҳар қандай хатарли эҳтимолларни, енгин ва ҳаво ҳужумидан фуқаро мудофаасини, албатта, инобатга олади. Лекин бу назарий ечимлар бугун аср балоси деб ном олган терроризм олдида ниҳоятда жўн ва ибтидоий бўлиб қолаётир, буни ҳаётнинг ўзи қайта-қайта уқтирмоқда, у бизни доимо ҳушёр ва сергак бўлишга, аччиқ ва шафқатсиз режали асосда муайян жойларга йўллаётган марказларни таг-томири билан йўқ қилиш, уларнинг ортида турган кучларнинг ҳам кўзини очиш тақозо этилишини, вазият эса воқеликка **мутлақо янгича ёндашув** талаб этаётганини бежиз таъкидлаган эмас, албатта.

II. «Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ...»

Президент Жорж Буш Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир этилган *«ялпи қирғин акти»*ни Америкага қарши уруш очиш объектлари учун *«тенгсиз ва ялпи тажовуз»* тайёрлаётганидан огоҳ этганини, лекин ўз вақтида бу гапга у кулиб қараганини, бугун эса мана шу кулфат ортида бин Лодин турганига амин бўлганини кўрган ҳар қандай одамни ларзага солмасдан қўймайди. *«Террорчилар биздан кўра яхшироқ, адолатлироқ дунё барпо этиш учун қаттолик қилаётгани йўқ,* — деб уқтиради Франциянинг «Монд» газетаси. — *Улар бизни ер юзидан супуриб ташлашни истайди, холос!»*

«Биз дунёга қандай хавфу хатар таҳдид этаётганини ўз вақтида англаб етмадик, — дея таъкидлайди Венгриянинг «Мадьяр хирлап» газетаси. — *Террорчилар уруш эълон қилмасдан туриб ҳужумга ўтишди. Кўзга кўринмас бу ёвуз душманга қарши барча мамлакатлар бирлашиши даркор».*

«Ўзингга ўхшаган минглаб бегуноҳ одамларнинг кўз олдингда курбон бўлиб кетиши инсониятга қарши жиноятдир, — дейди Испаниянинг «Мундо» газетаси ходими, сўнг у фикрини якунлаб, шундай дейди: *Бу балою офатга қарши кураш бугун башарият учун ё ҳаёт, ё мамот масаласидир!»*

III. «МУСУЛМОНЛАР БИЗНИНГ БИРОДАРЛАРИМИЗДИР...»

7 октябрь куни кечқурун, Тошкент вақти билан соат 9.30 да «Си-Эн-Эн» телеканали Америка харбий ҳаво қучлари Афғонистондаги терроризм ўчоқларига қарши дастлабки ракета-бомба зарбалари йўналтирганини намойиш этди. АҚШ Президенти Жорж Буш телевидение орқали Америка халқига мурожаат қилиб, мамлакатнинг харбий кучлари «Ал-Қаида» террорчилик ташкилотига тааллуқли бўлган ва террорчилар машғулот ўтказадиган лагерларга, шунингдек, Афғонистондаги «Толибон» ҳаракатининг ҳарбий муҳофаза манбаларига зарба берганлигини таъкидлади. Бу — Афғонистонни террорчилик базаси сифатида фойдаланишга барҳам бериш, «Толибон» режимининг ҳарбий қувватини бартараф этишга қаратилган изчил ҳаракатдир, деди у. Жорж Буш Буюк Британия терроризмга қарши курашда елкама-елка турганини, Канада, Австралия, Германия ҳамда Франция ҳарбий ҳаракатда иштирок этишга тайёр эканини, дунёдаги 40 дан ошиқ мамлакат ўз ҳаво ҳудудларидан фойдаланишга рухсат берганини, жаҳон ҳамжамияти эса бу курашни қатъият билан қўллаб-қувватлаётганини маълум қилди. Шунингдек, у бундан икки ҳафта муқаддам «Толибон» етакчилари олдига аниқ ва равшан талаблар қўйилганини эслатиб ўтди.

«Толибон»дан жангарилар тайёрловчи лагерларни ёпиш, «Ал-Қаида» раҳбарларини,

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИКНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ

1. 1992 йилнинг 13 октябрида, Тошкентда Президент Ислом Каримов ва Афғонистон Ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний томонидан икки қўшни давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш, ҳаво йўллари очиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

2. 1993 йилнинг 4 мартида Ўзбекистон раҳбари МДҲ хорижий муҳбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида барчанинг диққат-эътиборини Афғонистон ва Тожикистон фожиаларига, терроризм билан боғлиқ ўткир муаммоларга қаратди. Президент Афғонистонда террорчилар тайёрланаётгани, улар жойларда қўпорувчилик олиб бориши, нотинчлик келтириб чиқаришига урғу бериб, журналистларга ***«навбатдаги ваҳшийликка қарши жамоатчилик фикрини вужудга келтиринг»,*** деб даъват этди.

3. 1993 йилнинг 18 июнида Швейцариядаги «Форум фонд» халқаро иқтисодий ташкилоти IV сессиясидаги нутқида давлатимиз раҳбари Афғонистондаги барқарорликни таъминлаш Тожикистондаги барқарорликнинг омилларидан бири эканини таъкидлаб, Ўзбекистон минтақада ашаддий фундаментализмга асосланган ҳар қандай доктриналарни тарқатишга қатъиян қарши туришини маълум қилди.

4. 1993 йилнинг июлида Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги иккинчи учрашувида Президент Ислом Каримов ўз нутқида *иқтисодий ҳамкорликка тўсиқ ва ғов бўлиб турган асосий масала — Афғонистондаги нотинч ва беқарор вазиятга эътиборни қаратиб, муҳолиф кучларни яраштиришга, афғон халқини тезроқ тинч меҳнатга жалб этишга биргаликда ҳаракат қилишга, шу мақсадда Афғонистондаги муҳолиф кучлар, манфаатдор халқаро ташкилотлар, БМТ вакилларини Тошкент шаҳрида музокаралар учун йиғилишга таклиф этди.*

5. 1993 йилнинг 28 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Президент Ислом Каримов ўз маърузасида *тожик-афғон чегарасидаги танглик ва наркобизнес муаммосига тўхталиб, мазкур можаро миқёслари ва потенциали, унинг бутун дунёга хавф солаётгани, келтириб чиқарадиган оқибатлари ҳали тўла англаб етилмаганини қайд этди. Биз ақидапарастлик, экстремизм, террорчилик тамойиллари кучайганидан ташвишдамиз, деди у. БМТни ўзининг тинчликпарварлик фаолиятини, айниқса, можаролар чиқадиган жойларда тинчлик ўрнатиш фаолиятини янада кучайтиришга чақирди.*

> ***Жаҳоннинг катта сиёсати гирдобига тушиб қолган бечора бир давлат бўлди бу Афғонистон! Бечора халқ бўлди бу афғон халқи!***
>
> ***Шунинг учун жаҳон ҳамжамияти эътиборини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар эътиборини бу масалага жалб этиш бизнинг бурчимиздир.***
>
> **Ислом КАРИМОВ,**
> **1995 йилнинг 27 октябри**

6. 1995 йилнинг 12 мартида Копенгагенда ўтган халқаро конференцияда Президент Ислом Каримов Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятга жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини яна бир марта қаратиб, ***«бу мамлакатларда ўн миллионлаб одамлар очлик, қашшоқлик, вайронгарчилик шароитида яшамоқда,*** дея уқтирди, ***бундай шароит ижтимоий портлаш омили бўлиб, у фақат Марказий Осиё минтақасида эмас, балки бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликни ларзага солишга қодирдир».***

7. 1995 йилнинг 28 августида Бишкекда ўтган туркий тилли давлатлар бошлиқларининг учрашувида Ўзбекистон раҳбари минтақадаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид этаётган Тожикистон ва Афғонистондаги можароларга урғу бериб, вазиятни барқарорлаштириш учун ҳамкорликда ҳаракат қилишга даъват этди.

8. 1995 йилнинг 15 сентябрида Тошкентда ўтган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига доир семинар-кенгашда Президент Ислом Каримов *Афғонистон ва Тожикистондаги нотинчлик 60 миллион киши тақдирига салбий таъсир кўрсатаётганини* уқтирди, мазкур мамлакатларда қадам-бақадам тинчликка эришишнинг амалий тамойилларини таклиф этди.

9. 1995 йилнинг 24 октябрида БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, *Афғонистондаги уруш афғон ҳақиқатга очиқ кўз билан қарашга ундамоқда.*

Президент Ислом Каримов шу йилнинг 25 сентябрида терроризмни бартараф этиш учун бундай кучларни шакллантираётган, уларни қўллаб-қувватлаб, маблағ, қурол-яроғ ва бузғунчи мафкура билан таъминлаётган, қўпорувчилик, босқинчилик содир этиш учун лишидир, деб баҳолади ва Америка Қўшма Штатлари халқаро террорчиликка қарши *«қатъий, аммо одилона»* кураш олиб боришини қайта-қайта уқтирди.

11 сентябрь куни Лондонда, араб тилида чоп этиладиган «Ал-Куд ал-Араби» журнали муҳаррири Абдул Бари Атван уч ҳафта олдин Усама бин Лодин Америка «Фокс — ТВ» телеканали орқали ошкор қилди. АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ҳам мазкур террорни ташкил этишда бош гумондор Усама бин Лодин эканини қайд этди.

Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир этилган мислсиз кулфат ва йўқотишлар унга гувоҳ бўлган, телевидение орқали

(Давоми 2-бетда)

«ҲОСИЛ — 2001»

ЗАФАР

Наманган тумани пахтакорлари шартномавий режани бажардилар. 6905 гектар ердан 22400 тонна «оқ олтин» йиғиб олинди. Ҳосилдорлик 32,4 центнерга етди. «Туркистон», «Навбаҳор», «Хонобод», «Гайрат», «Ижодкор» ширкат хўжаликлари юқори навларга энг кўп пахта топширдилар.

Косонсой тумани пахтакорларининг ҳам кайфиятлари яхши. Тоғолди туманида 18650 тонналик марра эгалланди. Бунда Шароф Рашидов номли, «Деҳқонобод» ширкат хўжаликлари, «Янги ҳаёт» фермерлар уюшмаси пахтакорларининг ҳиссаси катта бўлди. Наманган туманида салкам икки, Косонсойда 1,2 миллиард сўм даромадга эга бўлдилар.

Вилоятда пахта йиғимтерими давом этмоқда.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ**

✧✧✧

Навоий тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартномавий йиллик режасини ошириб бажардилар. Хирмонга 23 минг тоннадан зиёд саноат хомашёси армуғон этилди. 8282 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил кўтарилди. Эришилган бу муваффақиятга «Маданият», «Ўзбекистон», «Зарафшон», «Жалойир», Қодир Раҳимов, Ибн Сино номли ширкат хўжаликлари муносиб ҳисса қўшишди. Мазкур хўжаликларда ҳосилдорлик 35-37 центнерни ташкил этди. Навоийликлар яна 1600 тонна пахта топширишмоқчи.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Руминия ташқи ишлар вазири Мирча Жеоане раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюрди.

Парламент раиси Э.Халилов билан бўлган суҳбат чоғида Ўзбекистон — ЕХҲТ ҳамкорлиги, мамлакатимизда демократик институтларни ривожлантириш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, парламент фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидаги ислоҳотлар борасида фикр алмашилди. Делегация вакилларига мазкур соҳаларда амалга оширилаётган ишлар борасида батафсил маълумот берилди. Томонлар Оролбўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодиётни ривожлантиришга оид масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Шу куни ЕХҲТ делегацияси вакиллари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди.

Учрашувда мамлакатимиз билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

ТУРИЗМ КЎРГАЗМАСИ – ТОШКЕНТДА

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да анъанавий VII Тошкент халқаро туризм ярмаркаси ўз ишини бошлади. ITE Group Plc (Great Britain) халқаро кўргазмалар компанияси ҳар йили жаҳоннинг 25 мамлакатида 325 дан ортиқ кўргазма ва семинарлар ташкил этиб келмоқда. Бу орқали 50 минг мижозга ўз хизматини кўрсатяпти.

Кўргазмада дунёнинг 15 мамлакатидан 200 компания иштирок этмоқда. Мазкур кўргазманинг ўтказилиши Ўзбекистонда босқичма-босқич, қатъий равишда туризмни ривожлантириш ва унинг натижасида мамлакатга наф келтиришдан иборатдир.

Мамлакатимиз улкан туризм имкониятларига эга. Бой маданий мерос, шунингдек, «Буюк ипак йўли» билан боғлиқ ажойиб ва дунёга машҳур обидалар, анъана ва ўзбек халқининг меҳмондўстлиги бунга асос бўлади.

■ **Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ**

САНЪАТ ҚАРИМАЙДИ

Ҳақиқий санъат асарларининг қадри вақт ўтган сари ортса ортадики, ҳеч қачон оҳори тўкилмайди.

Пойтахтдаги Ҳиндистон маданият марказида ҳинд халқининг миллий ва маънавий бойлиги бўлмиш «Рамаяна» эпоси асосида санъат анжумани бўлиб ўтди. Кечада ҳиндистонлик раққоса Акурада Аррора хоним бетакрор ҳинд миллий рақсларини ижро этди. Хоразмлик ёш рассом Нодира Жуманиёзованинг инсон руҳий кечинмаларини акс эттирувчи суратлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Зеро, рақс ва рассомчилик таржима талаб қилмайдиган дунёвий санъат. Ундан ҳар бир қалб ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб керагича баҳра олиши ва ҳузурланиши мумкин. Анжуман иштирокчиларга ниҳоятда манзур бўлди.

■ **Замира ЭГАМБЕРДИЕВА**

ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ ТУРМАГАН УНИ ЁҚЛАГАН БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Огоҳ бўлинг, одамлар!» — деган даъват ҳамиша бонг садосидек янграб туриши керак.

Ислом КАРИМОВ

биринчи навбатда Усама бин Лодинни топшириш, асоссиз равишда Афғонистонда тутиб турилган чет эллик фуқароларни, шу жумладан, америкалик тутқунларни озод этиш талаб қилинган эди. Лекин улар бу шартларнинг лоақал биронтасини ҳам бажармади, деди АҚШ Президенти. Бундан аввал у, *АҚШ террорист билан унга ўз уйидан жой берганнинг ўртасида ҳеч қандай тафовут кўрмайди*, деб уқтирган эди. Миллатга мурожаатида шу фикрини давом эттириб: *Агар бирон-бир ҳукумат беайб, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган қаттолларни, ашаддий жиноятчиларни ўз паноҳига олса, билингки, унинг ўзи ҳам қаттол ва жиноятчи бўлади*, деди у.

АҚШ Президенти Афғонистон терроррчилар тайёрлайдиган марказга айланиб қолганига, ноғаҳоний террор тажовузи хавф солиб турган бир вазиятда эса ҳеч қачон тинчлик ва осойишталик бўлмаслигига алоҳида урғу берди. *«Бу офатдан тинчлигимизни ҳимоя этишнинг бирдан-бир йўли — унга таҳдид этаётган кучнинг изидан тушишдир*, дея таъкидлади у.

Жорж Буш жафокаш афғон халқи яхшиликни билади, деди ишонч билан, биз террор ўчоқларига зарба бериш билан чекланиб қолмай, биринчи навбатда очлик ва қашшоқликда қийналаётган болаларга, аёлларга, қарияларга сув билан ҳаводек зарур бўлган озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа кераклн нарсаларни етказиб берамиз.

«Америка Қўшма Штатлари афғон халқига дўст, ер юзидаги миллиардлаб мусулмонлар ҳам бизнинг дўстимиз, биродаримиздир, деди Жорж Буш, *Америка Қўшма Штатлари мўътабар Ислом динини ўзига ниқоб қилиб, дин номидан қаттоллик содир этаётган ашаддий жиноятчиларнинг, террорчиларнинг ва уларни ўз паноҳига олган, зимдан қўллаб-қувватлаётган мунофиқларнинг душманидир»*.

Шундай қилиб, Афғонистоннинг Кобул, Қандаҳор, Жалолобод, Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарларидаги террорчи кучларнинг юздан ошиқ таянч марказлари, уларнинг ҳарбий база ва лагерлари, қурол-аслаҳа ва ёнилғи заҳиралари, алоқа манбалари, аэродромлар бомба ва қанотли ракеталар воситасида яксон қилинди.

Ҳужум шундан буён давом этмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, бу вақт ичида Американинг юк самолётлари озиқ-овқат ва дори-дармондан иборат 400000 та жамланмани турли ҳудудлардаги оддий афғонларга инсонпарварлик ёрдами сифатида етказиб беришди.

АҚШ ҳукумати Афғонистон халқига моддий, тиббий ва озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш мақсадида 320 миллион доллар миқдорида маблағ ажратган.

IV. ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ҲАРАКАТДАН ТЎХТАТИЛДИ

Америка Қўшма Штатлари терроризм таҳдидидан мамлакатнинг ички ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш билан бирга дунё бўйлаб унга қарши кенг кўламли кураш олиб бораётир. Ҳозиргача Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган террорчилик ҳаракатига дахлдорликда гумон қилинган шахслар 25 мамлакат ҳудудида қўлга олинди.

АҚШ Бош прокурори Жон Эшкрофтнинг қайд этишича, 11 сентябрь воқеаларига дахлдорликда гумон қилинган 600 одам сўроқ қилинди, яна 400 киши эса қидирилмоқда.

АҚШ Президентининг фармонига биноан «Ал-Қаида» террорчилик ташкилотининг Америкадаги 30 та, чет эллардаги 20 та ҳисоб рақами, шунингдек, «Ал-Жиҳод», «Абу Сайяф», «Ўзбекистон ислом ҳаракати», «Ҳаракат ул-мужоҳидин» каби қатор террорчилик ташкилотлари ҳамда Усама бин Лодин билан турли даражада молиявий алоқада бўлган 27 та ташкилот ва компанияларнинг, жисмоний шахсларнинг банклардаги ҳисоб рақамлари ҳаракатдан тўхтатилди. Ва шу тариқа ҳозирга қадар террорчилик ҳаракатларини озиқлантиришга қаратилган 300 миллион доллар маблағ тутиб қолинди.

Бундай қатъий молиявий чоралар кўрилиши халқаро терроризмнинг қон томирини кесиб ташлаш билан баробар эканини мутахассислар ҳам эътироф этишмоқда. Шу билан бирга улар террорчилик марказлари ортида турган, уни зимдан қўллаб-қувватлайдиган, турли воситалар билан ёрдам берадиган кучларни ҳам кўздан қочирмаётир.

Шу йилнинг 21 сентябрида АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл Хитой ташқи ишлар вазири билан бирга ўтказган матбуот анжуманида бу ёвуз кучга зимдан ҳомийлик қилувчи айрим давлатлар ҳақида тўхталиб, агар бу масалага улар яна «эскича» ёндашишда давом этса, шунга яраша чора-тадбирлар кўрилишини таъкидлади.

V. ТЕРРОРИЗМ ИСЛОМ ДИНИГА ДАХЛДОР ЭМАС...

Дунёдаги энг қабиҳ разолат — одамларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олмай, ўз манфаати йўлида уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқини поймол этиш, тинчлигига, осойишталигига, ҳаётига тажовуз қилишдир.

Террорчиларнинг тараққий топган дунёга қарши туриши, жаҳолатга тўлиқ хаттиҳаракати билан демократия ва соғлом фикрга зид ўлароқ аламзадаликни, фанатизмни ўзида намоён этиши жаҳон ҳамжамиятида асосли ташвиш уйғотмоқда. Бу жангарилар ўзининг манфур башарасини мўътабар ислом дини билан ниқоблашга уриниши эса, табиийки, иймони саломат ҳар қандай кишини дарғазаб этади.

1999 йилнинг 16 февралида Президент ҳаётига суиқасд қилиш, амалдаги конституцион тузумни ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни босиб олиш мақсадида Тошкентда содир этилган мудҳиш портлашлар 16 нафар бегуноҳ инсон умрига зомин бўлган, 128 киши жиддий жароҳат олган эди.

1999-2000 йилларда эса террорчилар Ўзбекистон ва Қирғизистон сарҳадларида кўпдан-кўп нотинчликлар келтириб чиқарган ва яна қанча инсонлар ҳаётига тажовуз қилишган. Шу билан бирга 1999 йили 4 нафар япон геологини, 2000 йили эса олти нафар германиялик, олти нафар россиялик, тўрт нафар америкалик, украиналик, ўзбекистонлик, жами 19 альпинистни гаровга олишган ва ўзларининг бу кирдикорларига муқаддас ислом динини восита қилишган.

Бу нафратга лойиқ ҳодиса эмасми?

Президент Ислом Каримов «Тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланган суҳбатида ҳақли савол қўяди: **«Ўзини мусулмон деб даъво қиладиган, лекин қилмиши кўпорувчилик, қотиллик, бутун-бутун халқларнинг ҳаётини барбод этишдан иборат бўлган бу манфур тўдаларга ислом дунёси нималигини гапиришга ким ҳуқуқ берди?»**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1-2 октябрда бўлиб ўтган сессиясида 50 дан ошиқ мамлакат дипломатлари сўзга чиқиб, ўз ҳукуматлари номидан терроризмни қоралаш билан бирга унга қарши курашда ҳамжиҳат эканликларини маълум қилишди. Унда сўз олган Покистон, Судан, Малайзия, Яман, Бангладеш каби қатор мусулмон мамлакатлари вакиллари бу қабиҳ жиноят жазосиз қолмаслиги лозимлигини таъкидлаб, халқаро терроризмнинг мўътабар ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини қайта-қайта уқтиришди.

«Терроризм ашаддий жиноятчилик бўлиб, унинг муайян бир миллат ёки маданиятга, динга дахли йўқ, деди Судан элчиси Элфотиҳ Эрва, *терроризм ўз оти билан терроризм. 11 сентябрь куни содир этилган тажовуз ҳам террорчилик ҳаракатидир. Унинг Ислом динига ҳеч қандай боғлиқлик жойи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас»*.

Терроризмга қарши кураш Ислом динига қарши кураш деган маъно англатмайди, дунёни терроризм балосидан халос этиш эса оғир ва машаққатли жараёндир, аммо кўпчиликнинг ақл-идроки, ҳамжиҳатлиги уни бартараф этишга омил бўлади. Келажак ҳаққи унга қарши боришга бурчлимиз, деди сўзга чиққанлар.

«Терроризмни қандайдир миллат, мамлакат ёки дин билан боғлаш мутлақо хато бўлади», деди Яман элчиси Абдулла Ал-Аштол, сўнг у аср вабосига қарши ҳар бир мамлакат ўз ҳудуди ва халқаро миқёсда муттасил кураш олиб бориши лозимлигини таъкидлади.

Малайзия вакили Хасми Агам: *«Терроризмга қарши ҳар қандай курашни тўла қўллаб-қувватлаб»* Баёнот беришди («Kyodo» агентлиги, «USIA», 10-12 октябрь).

Бизга ён қўшни бўлган Афғонистонни оғир инқирозга олиб келган, уни терроризм ўчоғига айлантирган — йигирма икки йил мобайнида узлуксиз давом этган шафқатсиз урушдир. Шунинг оқибатида ер юзидаги жамики қаттоллар, жиноят содир этиб, дор остидан қочганлар келиб шу ерга уя қўйишди ва ўзларининг кирдикорларини янада кенг кўламда давом эттириш учун терроризмнинг инфратузилмасини яратишди. Наркобизнес уларнинг молиявий таъминотига замин яратди.

Ҳозир Афғонистон ва унга туташ ҳудудларда жангарилар тайёрлайдиган 150 та база ва ҳарбий лагерлар мавжуд бўлиб, улар халқаро террорчилик ташкилотларига ҳар йили 5 мингдан зиёд жангари тайёрлаб беради (РИА «Новости», 25 сентябрь). Ўтган йили бу ерда 4500 тонна опиум хомашёси етиштирилган. Бу — дунё миқёсида тарқалаётган гиёҳванд моддаларнинг қарийб 80 фоизи, демакдир (Буюк Британиянинг «The Times» газетаси, 25 сентябрь).

VI. «БИРОВНИНГ ҚОНИНИ НОҲАҚ ТЎКИШ ГУНОҲИ АЗИМДИР»

Буюк Британия мусулмонлари намояндаси Ғиёсиддин Сиддиқий шу йилнинг 3 октябрида Нью-Йоркдаги фожиа қурбони бўлган кишиларнинг бир ярим минги мусулмон эканини маълум қилди ва бизнинг мўътабар китобимиз Қуръони каримда ***бировнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим*** дейилганини таъкидлади.

Сентябрь воқеаларидан сўнг Покистон Кобулдаги ўз элчихонасини ва чегарасини зудлик билан ёпгани, 22 сентябрда Бирлашган Араб Амирликлари, 25 сентябрь куни Саудия Қироллиги «Толибон» ҳукумати билан дипломатик алоқаларини узиб, «Толибон» вакилларини ўз мамлакатлари ҳудудидан чиқариб юборгани, ҳатто халқаро инсонпарварлик ташкилотлари вакилларининг Афғонистонни тарк этгани ҳам жаҳон ҳамжамияти улардан юз ўгирганини англатади. «Толибон», АҚШдан бомбали зарбаларини тўхтатишни талаб қилинглар, деб, Ислом конференцияси ташкилотига қилган мурожаат ҳам эътиборсиз қолиб кетди. Мазкур ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқаро терроризмни қатъиян қоралашди, шу билан бирга, Миср Президенти Ҳусни Муборак таъкидлаганидек, *«Терроризмга қарши ҳар қандай курашни тўла қўллаб-қувватлаб»* Баёнот беришди («Kyodo» агентлиги, «USIA», 10-12 октябрь).

Бизга ён қўшни бўлган Афғонистонни оғир инқирозга олиб келган, уни терроризм ўчоғига айлантирган — йигирма икки йил мобайнида узлуксиз давом этган шафқатсиз урушдир. Шунинг оқибатида ер юзидаги жамики қаттоллар, жиноят содир этиб, дор остидан қочганлар келиб шу ерга уя қўйишди ва ўзларининг кирдикорларини янада кенг кўламда давом эттириш учун терроризмнинг инфратузилмасини яратишди. Наркобизнес уларнинг молиявий таъминотига замин яратди.

Ҳозир Афғонистон ва унга туташ ҳудудларда жангарилар тайёрлайдиган 150 та база ва ҳарбий лагерлар мавжуд бўлиб, улар халқаро террорчилик ташкилотларига ҳар йили 5 мингдан зиёд жангари тайёрлаб беради (РИА «Новости», 25 сентябрь). Ўтган йили бу ерда 4500 тонна опиум хомашёси етиштирилган. Бу — дунё миқёсида тарқалаётган гиёҳванд моддаларнинг қарийб 80 фоизи, демакдир (Буюк Британиянинг «The Times» газетаси, 25 сентябрь).

VII. ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Президент Ислом Каримов тўқсонинчи йилларнинг бошларидаёқ оловли минтақадан бутун ер юзига аср вабоси — терроризм балоси тарқалиш хатари борлигини, ҳозир бу хавф тинчлик ва тараққиётга ошкора таҳдид солаётганини қайта-қайта уқтирган эди. **«Ҳозир Афғонистонда шу қадар кўп қурол-яроғ йиғилиб қолганки, ҳисоблаб кўрсангиз, дунёдаги бирон-бир мамлакатда жон бошига бунча қурол тўғри келмайди, аммо бу ҳеч кимни ташвишга солмаяпти»**, — дейди давлатимиз раҳбари 1993 йилнинг 4 мартида Германиянинг «Рейнише Пост» газетаси мухбирининг саволига жавобан, сўнг бу ҳудуддан Марказий Осиё мамлакатларига қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар кириб келаётганини, Афғонистон ва унга туташ ҳудудларда террорчилар тайёрланаётганини, аммо бу на БМТ ва на бошқа халқаро ташкилотлар томонидан назорат этилмаётганини афсус билан таъкидлайди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ўзбекистон раҳбари Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни қатъиян тақиқлаш масаласини кун тартибига қўяди. Лекин, афсуски, бу таклифга эътибор берилмади. Орадан кўп ўтмай, Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясида афғон можаросини ҳал этиш бўйича аниқ-равшан таклифларни илгари сурган Ислом Каримов: **«Мен якинда Термиз шаҳрида бўлганимда, хаёлимдан шундай ўйлар кечди**, дейди, **шундоқ бир неча юз қадам нарида четдан келаётган қурол-яроғ туфайли ўн минглаб бегуноҳ одамлар — болалар, аёллар, кексалар қурбон бўлаётган мамлакат турибди. Одамлар уй-жойидан, жонини жабборга бериб пешона тери билан топган бойлигидан маҳрум бўлмоқда.**

Афғонистонга қурол етказиб беришнинг яна бир хавфли, даҳшатли томони бор. У ҳам бўлса, қурол-яроғнинг қўшни мамлакатларга ҳам ёйилиши, халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик ва диний экстремизм учун қулай шарт-шароит яратилишидир».

Ислом Каримов жаҳон ҳамжамиятини ҳар қанча ҳушёрликка даъват этмасин, афсуски, ўз вақтида бунга жиддий эътибор қаратилмади. Лоқайдликнинг адаби шу бўлдики, бу иллат бутун ер юзига ёйилди. 1998 йилга келиб, АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарида, Россия шаҳарларида портлашлар содир этилди. «Коул» ҳарбий кемасидаги қўпорувчилик, Афғонистонда тайёрланган «оқ ажал» — героиннинг кўплаб минтақа ва қитъаларни ишғол этиши, Будда ҳайкалларининг қунпаякун қилиниши, қарийб 3 миллион афғон фуқаросининг қочоқликка юз тутиши, беайб, бегуноҳ инсонларнинг терроризм қурбонига айланишидек ҳеч оқлаб бўлмайдиган қабоҳатлар ниҳоят инсониятни ҳушёр торттирди. Усама бин Лодинни астойдил қидириш, уни ўз паноҳига олган кучларга нисбатан кескин тақиқлар қўллаш, террорчиларнинг махфий базаларига қанотли ракеталар орқали зарба бериш ана шу аччиқ сабоқлардан сўнг амалга оширилди.

Бугун дунё аҳли шуни чуқур англаб етдики, терроризмдан ҳеч ким холи бўлолмайди ва унга қарши якка ҳолда курашиш ҳам мумкин эмас. Ёвуз кимсалар ўз итоатгўйларидан «зомби»лар ясайди, носоғлом фанатлар ижросида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятлар содир этади, норасида гўдакларнинг, ҳимоясиз аёлларнинг, беайб бева-бечораларнинг уйини қуйдириб юборади, аммо ўзига навбат келганида пана-пастқамга бикиниб олади.

«Агар, ҳақиқатан ҳам беайб бўлса, тоғдаги уясидан чиқсин, — дейди Беназир Бхутто бин Лодин ҳақида, — *Халқаро трибунал олдида ўзининг бегуноҳ эканини исбот этсин»* («АиФ», № 41).

Лекин терроризмнинг «падари бузрукворлари» бунга журъат этмайди, чунки улар анойи «мурид»лари сингари ўлиб кетишни истамайди, шу боис одил суддан, адолатдан қочиб, аллақандай кавакларда писиб-яшириниб юради. Бугун бунга бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам одамлар бу қабоҳатни илдизи билан йўқ қилиб ташламагунча бирон-бир мамлакатда, бирон-бир оилада тинчлик-хотиржамлик бўлмаслигини англаб етди. Шунинг учун ҳам тенгсиз бир ғазаб билан унга қарши кураш атрофида барча жипслашди.

Ҳар бир инсон терроризмга қарши муттасил курашиши даркор. Бу кураш ёвузликка, гиёҳвандликка, динни ниқоб қилиб, ёшларни йўлдан уришга, мунофиқлик ва жаҳолатга қарши кураш, демакдир. Бу кураш ҳар биримиздан ўз ишимизни виждонан бажариб, ўз уйимизни ўзимиз асрашимизни, ҳаётга, теварак-атрофда содир этилаётган воқеаларга сергак ва ҳушёр муносабатда бўлишимизни тақозо этади. Азал-азалдан жамоага касри теккан қасофат маҳалладан ситилиб чиқиб кетган. Бировнинг молига, жонига, боласига кўз олайтирган яккамахов бўлиб қолган. Ёмон ниятли одам масжидга қадам босишга журъат этмаган. Нимага деганда, элнинг назари ёмонликнинг пайини кесган...

Орияти бор одам ўз оиласига яхшилик истайди. Оила бу Ватаннинг бир бўлагидир. Бас, шундай экан, эзгуликни ҳимоя этиш, тинчликни, дахлсизликни кўз қорачиғидек асраш даркор. Бошқа йўл йўқ. Бу адолатли курашдан четда турган қабоҳатни ёқлаган бўлади. Хотиржамликка берилиш эса таҳдид солиб турган ногаҳоний офатга йўл очади, у ҳаётни бузиб ташлайди. Бу — қонуниятдир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **«Биз ўз она-юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлимиз. Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз».**

■ **Ғаффор ҲОТАМОВ**

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИКНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

халқи бошига мислсиз кулфатлар солганини, мамлакат халқаро терроризм ва наркобизнес манбаи бўлиб қолганини таъкидлаб, Афғонистоннинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этиш ва қурол олиб киришни тақиқлашни таклиф этди.

10. 1995 йилнинг 29 декабрида Тошкентдаги дипломатия корпуси ва чет эллик журналистлар билан учрашувда сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов асосий масала сифатида кун тартибига Афғонистон муаммосини қўйди ва унда тинчлик ўрнатишнинг асосий тамойиллари сифатида:

— можарони босқичма-босқич бартараф қилиш;

— музокара жараёнида барча манфаатдор томонларнинг иштирок этиши;

— ўзаро ён бериш ва оқилона ўзаро келишув асосида нуқтаи назарларни бир-бирига яқинлаштириш;

— бу жараёнда БМТ, ЕХҲТ, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳомийлиги ва фаол иштирок этиши;

— мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақлаб қолиниши;

— қандай шаклда бўлмасин, ташқаридан тазйиқ ёки аралашувга йўл қўйиб бўлмаслиги,

энг муҳими, Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни қатъиян тақиқлаш зарур эканини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари БМТ Хавфсизлик кенгашига мазкур таклифни киритганини маълум қилди.

11. 1996 йилнинг 1 октябрида Президент Ислом Каримов раислигида Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди ва унда қўшни Афғонистондаги беқарорлик, «Толибон» ҳаракати келтириб чиқараётган ташвишли вазият ва унинг оқибатлари билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилди.

12. 1996 йилнинг 4 октябрида, Алматида Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон раҳбари *Афғонистон бутун дунёдаги ўта хавфли қарама-қаршилик ва портлашлар манбаига айланаётганига* эътиборни қаратди. Афғонистондаги кескин вазият, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш билан боғлиқ масалалар олий даражада муҳокама этилди.

13. 1996 йилнинг 2-3 декабрида, Лиссабонда Президент Ислом Каримов ЕХҲТга аъзо давлат ва ҳукумат бошлиқлари олдида нутқ сўзлаб, 54 мамлакат раҳбари эътиборини ер юзидаги хавфсизликнинг Афғонистон можаросини бартараф этиш билан боғлиқ жиҳатларига қаратди.

14. Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурган ***Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш*** ташаббусидан келиб чиқиб, 1997 йил 15-16 сентябрда Тошкентда шу мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 50 дан ошиқ давлат, 16 та халқаро ташкилот вакиллари иштирок этишди. Конференцияда Президент Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. 9 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида ***«Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш»*** тўғрисида резолюция қабул қилинди.

15. 1997 йилнинг 22-25 сентябрида Тошкентда ЕХҲТ доирасида «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий, ижтимоий ва инсонпарварлик масалалари» мавзуида халқаро семинар ўтказилди.

16. 1997 йилнинг 27 декабрида Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эллик ҳамда республика журналистлари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон раҳбари Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш ҳақидаги ташаббусни БМТ Хавфсизлик кенгаши, ЕХҲТ, Европа парламенти қўллаб-қувватлаганини, бу уларнинг кейинги қарорларида ўз ифодасини топганини қайд этди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини кенгайтириш, Афғонистонда тинчлик қарор топгач, бу ҳудудда етакчи мамлакатлар ҳамкорликда магистрал йўллар барпо этиши мақсадга мувофиқдир, деган янги ғояни илгари сурди. ***«Бу Афғонистонни урушдан кейин қайта тиклашга ва унинг иқтисодий тараққиётига кўп даражада ёрдам берган бўлур эди»***, деди Президент.

16. 1998 йилнинг майида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси «Толибон» раҳбариятидан ўт очишни тўхтатиш ва томонлар ўртасида тинч музокаралар ўтказиш ҳақида таклиф киритди.

17. 1998 йилнинг 30 июлида Ўзбекистон ва Россия Федерациясининг ички можароларни музокара воситасида ҳал этиш ҳақидаги таклифини «Толибон» рад этгач, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистонда ўзаро урушаётган томонларга ўт очишни дарҳол тўхтатиш ва музокаралар бошлаш талаб этилган Баёнот қабул қилди.

18. 1998 йилнинг 28 августида Президент Ислом Каримов Олий Мажлис сессиясида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ички можарони бартараф этиш юзасидан аниқ-равшан таклифларни илгари сурди. Унда: ***биринчидан, жанговар ҳаракатларни тўхтатиш; иккинчидан, ташқаридан таъсир ўтказишга, Афғонистоннинг ички ишларига аралашишга барҳам бериш; учинчидан, Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни қатъиян тақиқлаш; тўртинчидан, мамлакатдаги барча миллий-этник ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлар вакилларидан иборат ҳукумат тузиш; бешинчидан, тинчлик ўрнатиш жараёнида барча манфаатдор мамлакатлар, энг аввало Афғонистонга қўшни давлатларнинг фаол иштирок этиши*** кўзда тутилган.

19. 1998 йилнинг 28 августида «Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Баёноти» қабул қилинди.

20. 1998 йилнинг 28 августида БМТ Хавфсизлик Кенгаши афғон можаросини ялпи сиёсий ҳал этиш тамойилларини белгиловчи резолюция қабул қилди.

21. 1998 йилнинг 21 сентябрида БМТ котибияти биносида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил топган «6+2» гуруҳи — Хитой, Туркманистон, Ўзбекистон, Покистон, Эрон, Тожикистон ҳамда АҚШ ва Россия Федерациясининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда «Толибон» ҳаракатидан жангу жадал ва хунрезликларни тўхтатиши, музокараларни бошлаши талаб этилди.

22. 1998 йилнинг 12 октябрида «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Афғонистондаги вазият муносабати билан Қўшма баёноти» қабул қилинди.

23. 1999 йилнинг 19-20 июлида Тошкентда БМТ шафелигида «6+2» гуруҳининг Афғонистонда тинчликни қарор топтириш, вазиятни барқарорлаштириш масалаларига қаратилган навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда гуруҳга аъзо мамлакатлар делегациялари, БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус элчиси иштирок этди.

Тошкент учрашувининг очилиш маросимида Президент Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. ***«Бугунги Афғонистон ва унинг атрофида юз бераётган халқаро терроризм муаммолари ҳам, наркотик моддаларни тарқатиш ва қурол-яроғ савдоси муаммолари ҳам, тобора таҳдидли тус олаётган исломни радикаллаштириш жараёнлари ҳам жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмай қолмайди»***, деди Ўзбекистон раҳбари. Шунингдек, у Афғонистон жамиятининг тинч ҳаёт йўлига қайтиш жараёни шошма-шошарликсиз, босқичма-босқич амалга оширилиши, мамлакат тараққиётнинг қайси йўлидан боришини халқнинг ўзи белгилаши, Афғонистонга кенг кўламли инсонпарварлик ҳамда молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро дастур ишлаб чиқилиши лозим эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашув якунида «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари» тўғрисида Тошкент Декларацияси, шунингдек, Афғонистон ва минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича бошқа ҳужжатлар имзоланди.

24. 1999 йилнинг 28 июлида Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлисида «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви якунлари муҳокама этилди ва бу — афғон можаросини сиёсий йўл билан ҳал этиш борасидаги муҳим қадам сифатида юксак баҳоланди.

25. 1999 йилнинг 20 августида «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

26. 1999 йилнинг 18 ноябрида ЕХҲТнинг Истанбул саммитида сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов ***халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш*** масаласини кескин тарзда кун тартибига қўйди. ***Мазкур марказнинг вазифаси***, деди у, ***фақат терроризмнинг ўзи билан эмас, балки уни қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ ва маблағ билан таъминлаётган, жойларга жўнатаётган марказларга қарши курашни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши даркор.***

27. 2000 йилнинг 22 январида Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида Президент Ислом Каримов хавфсизликнинг бўлинмас ва яхлитлиги ҳақидаги бош принципга таянган ҳолда террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ барпо этишга оид Ўзбекистон ташаббусини амалга ошириш борасидаги ишларни яна да кучайтириш масаласини илгари сурди.

28. 2000 йилнинг 8 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг «Минг йиллик саммити»да Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор Афғонистон билан боғлиқ муаммоларга, бу ҳудуд терроризм ва наркобизнес манбаига айланиб бораётганига қаратди. Мана шунинг оқибатида, деди у, ***«Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни, асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қулай йўлларга — коридорларга айланмоқда.***

Шу биргина мисолда замонамиз воқелигининг икки мудҳиш ҳодисаси — халқаро террорчилик ва наркобизнес ўзаро чирмашиб бораётганини кўришимиз мумкин».

Ўзбекистон раҳбари жаҳон ҳамжамиятини XXI аср вабосига қарши ҳамкорликда курашишга ундади.

29. 2000 йилнинг 19 октябрида Тошкентда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш. Наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга биргаликда ёндашиш» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 70 дан ошиқ мамлакат, 40 дан ошиқ халқаро ташкилот вакиллари иштирок этишди. Конференция қатнашчилари Тошкент декларациясини қабул қилишди.

30. 2000 йилнинг ноябрида Тошкентда «Оммавий қирғин қуроли ишлатиб террорчилик ҳаракатлари қилинган тақдирда танглик вазиятларини бошқариш» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.

31. 2000 йилнинг 15 декабрида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

32. 2001 йилнинг 14 июнида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов афғон муаммосини ечиш бўйича қатор ташаббуслар илгари сурилганига қарамай, бугун бу борадаги ишлар боши берк кўчага кириб қолаётганини, бу эса нохуш оқибатлар келтириб чиқаришини таъкидлаб, ***минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантириш*** таклифини илгари сурди.

ҲОКИМ ВАЪДАСИДА ТУРДИ

Хазорасп шаҳарчасининг қоқ марказида нафақат мамлакатимизда, балки Ҳамдўстлик давлатларида машҳур «Кийим-кечак бозори»нинг шундоқ ёнида бир хароба қурилиш бўларди. Унинг тарихи шўролар даврида — ўн икки йил муқаддам бошланган-у ташланган «Маданият саройи» аталса-да, аслида қаровсизликдан кўҳна қалъа қолдиқларига ўхшаб қолганди. Бу «туя гўшти еган» қурилиш ҳақида танқидий чиқиш қилиш учун суратини олдириб, мақола ёзаётган пайтда — бир йил муқаддам туманда ҳоким алмашди — Ботир Раҳимов Хазорасп тумани ҳокими этиб тайинланди.

Янги ҳоким ҳузурига илк бора кирганимда ана шу хароба суратини «эсдалик» тариқасида топширдим. Иддаомиз шундай бўлди: «Ботир Худерганович, бу ҳақида мақола ёзаётгандик. Сиз келгач, сал фикримиз ўзгарди, балки бу қурилишни якунларсиз деган ниятда...»

Сўзимизни эшитиб, ҳоким ён дафтарчасидан сурат олди. Унда ҳам айнан шу чала қурилиш акс эттирилганди. «Ишга келганимдан сўнг туманни айланиб кўриб, шу иншоотни суратга олдирдим. Худо насиб қилиб, бирор йил ҳокимлик қилсам, албатта, бу қурилишни тугатаман. Балки энди профили ўзгарар...»

Мақола ёзилмасдан қолди. Бу таниш-билишчилик эмас, балки янги ҳокимнинг қисқа фурсатда туманда бунёдкорлик ишлари бошлаб юборгани, қатор қурилишлар тезкор суръат олгани, қолаверса... ҳокимга «накази»мизнинг муддатини кутмоқ эди.

Амалдаги йилнинг Наврўз арафаси эди. Якшанба куни. Бозорга бир юмуш билан бораётиб, айнан хароба қурилиш олдида тўпланиб турган одамларга кўзим тушди. Улар қандайдир қоғоз-чизмаларни муҳокама қилишарди. Ҳоким ҳам шу ерда. Тўхтамасдан ўтиб кетиш имкони бўлмади. Қолаверса, қисқа фурсатда йўқдан бор бўлган — бозор ёнидаги янги стадион байрамга ишга туширилишга ҳозирланар, шу боис ҳокимга «Ҳорманг!» айтмоқ мақсадида йўлимни ўзгартирдим. Ўша суҳбатда ҳоким айтган сўзларга рости ишонмаган, одатдаги ҳаяжонланиш, деб ўйлагандим.

«Мана пойтахтдан лойиҳачиларни чақиртирдим. Бу ерда хотин-қизлар коллежи қурамиз.

Мана натижа — бор-йўғи тўрт ой ичида 600 ўқувчига мўлжалланган педагогика коллежи биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Отахон Матёқубов бошлиқ 3-механизациялашган қурилиш жамламаси лойиҳа қиймати салкам етти юз миллион сўмга тенг қурилиш иншоотида ишни жадаллик билан ва сифатли ташкил қилиб, унум билан ишладилар. Шаҳарча марказида муҳташам иншоот эртаклардагидек — «бир куф-суф» билан пайдо бўлди...

Истиқлол туфайли ўзлари танлаган касбни эгаллаш, шу борада етарли билим ва малака олиш имконига эга бўлган ёшлар янги ўқув йилини ана шу даргоҳда бошлашди.

Булар айтишга осон. Ҳаёт эса эртак эмас. 12 йил ташландиқ ётган чала қурилиш ўрнида замонага мос ва хос бутун бир илм даргоҳини барпо этиш... ўзи бўлмади. Бунга маблағ излаб топилди. Ишни ташкил қилиш, қурувчиларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш...

Ҳоким ваъдасида турди. Бир йил муқаддам бу ҳақда фақат орзу қилиш мумкин эди. Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганларидек, қаердаки ишчан, ташаббускор кадрлар танлаб жой-жойига қўйилган бўлса, шу ерда ислоҳотлар самара бераверади.

... Шу кунларда эса туман ҳокимини йўқлаб, ҳузурларига кирсамми, туманнинг «Оқ майдон» мавзесида қачонлардир бошланиб чала қолдирилган йирик тўқимачилик мажмуаси ҳақида гап очсамми, деб юрибман...

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

Кўҳна Чуст ўзининг қўли гул ҳунармандлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари билан дунёга машҳур. Чуст дўпписи, Чуст пичоқлари кириб бормаган бирор-бир хонадон йўқ десак, ҳақ гапни айтган бўламиз.

Ҳунармандлари кўп шаҳар борки, у обод бўлади. Бозори ҳам гавжум, маҳсулотга тўлиқ бўлади.

Чустда 2,5 гектар майдонни эгаллаган деҳқон ва буюм бозори йилнинг тўрт фаслида харидорлар билан гавжум. Бозорнинг маъмурий биноси, меҳмонхона замон талаблари асосида қайта қурилди ва тоза ичимлик суви келтирилди. Эндиликда дўппи шаклидаги алоҳида дўппи бозори қуриляпти.

✧✧✧

Суратларда: Бозор ҳаётидан лавҳалар.

Ҳар қайси шаҳар ёки қишлоқ, корхона ёки ташкилотнинг ўзига хос қиёфасини, мавқе-эътиборини ана шу жойда яшайдиган, ишлайдиган меҳнаткаш, тадбиркор, фидойи инсонлар белгилайди.

Зомин туманидаги Даштобод пахта тозалаш акциядорлик жамияти мисолида буни яққол кўрса бўлади. Бу ерда ишлаётган ўнлаб, юзлаб ишнинг кўзини биладиган, изланувчан ва ғайратли кишиларнинг ҳамжиҳатликда қилаётган меҳнатлари туфайли бундан икки йил олдин деярли банкротлик ёқасига келиб қолган корхона бугун қаддини тиклаб олди. Тиклаб олдигина эмас, вилоятдаги турдош корхоналар орасида илғорлардан бирига айланди.

Имконият қидириб ишлаётган жамоа эришаётган натижалар тобора яхшиланиб бораяпти. Зомин ва Янгиобод туманлари далаларидан йиғиб-териб олинаётган ва пешма-пеш қабул қилинаётган пахта ҳосилини сифатли қайта ишлаш эвазига режага нисбатан 1,5-2 фоиз кўп тола олинаяпти. Корхона тамғаси босилган маҳсулот хорижга экспорт қилинмоқда. Ишчи-хизматчиларга яратилган қулай шарт-шароит, моддий манфаатдорлик ва маънавий рағбатнинг яхши йўлга қўйилганлиги ютуқларнинг омили бўлиб хизмат қилаяпти.

✧✧✧

Суратда: *корхона ишчилари Алижон Хасанов билан Исматжон Бегматов иш устида.*

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЁД ЭТ!

ХАЗОН БЎЛГАН ИСТЕЪДОД

Собиқ шўро тузуми даврида ҳатағонлар нафақат Ўзбекистон халқ хўжалиги, балки миллий маданият учун ҳам даҳшатли фожиа бўлди. Ҳақиқатнинг инкор этилиши ва инсон қадр-қимматининг поймол бўлиши натижасида миллий маданиятимизга беқиёс зарар келтирилди. Юртимизнинг минглаб арбоблари асоссиз «халқ душмани» деб эълон қилинди. Шулардан бири — биринчи ўзбек киооператори, истеъдодли фотосуратчи Худойберган Девоновдир.

У 1937 йилнинг 17 августида НКВД томонидан шўро тузумига қарши ташвиқот юргизишда айбланиб, қамоққа олинган эди. Тинимсиз сўроқлар, беўрин қўйилган айблар олтмиш ёшли Худойберган отага таъсир қилмай қолмади. Қамоқхона ҳужрасида ётар экан, кечалари кўз ўнгида бутун умри кинокадрлар сингари бирин-кетин ўтарди.

Худойберган Девонов Хива хонлари Муҳаммад Раҳимхон соний — Феруз саройида, кейин Исфандиёр хонлик қилган йилларда сарой фотосуратчиси ва девони вазифасини бажариб келди. Айниқса, санъат шайдоси — шоир ва давлат арбоби Феруз ёш истеъдодли суратчи Худойберганни қўллаб-қувватлаб, уни бир неча бор тажриба орттириш учун Москва ва Петербургга жўнатиб, кўплаб янги кино ва фото аппаратуралар олиб келишда ёрдам қилади.

Девоновнинг операторлик фаолияти рус кино санъаткорлари билан деярли бир вақтда бошланган эди. Унинг инқилобдан олдин суратга олган «Ўрта Осиё архитектура бойликлари», «Туркистон кўринишлари», «Хива ва хиваликлар» каби киноминиатюраларида ва мингдан ортиқ суратларида маърифатпарварлик ғоялари, ўзбек халқининг турмуши, тинч меҳнати, урф-одатлари, ўлкамизнинг меъморий ёдгорликлари акс эттирилган. Шўро даврида ҳам Худойберган ота ҳибсга олингунча Хоразмга бағишланган ўзининг кинофото солномасини давом эттирди. Юзлаб шогирдлар тарбиялади.

Бир йилдан ортиқ давом этган узлуксиз терговларда НКВД ходимлари уни Файзулла Хўжаевнинг буйруғи билан шўро тузумига қарши ташвиқот олиб боришда айблашиб, инглиз разведкасининг хуфячиси сифатида тавқи-лаънат ёпиштиришга уринишди. Улар Девоновга ҳукумат раҳбари имзоси билан Ўзбекистон Халқ Комиссарлари кенгаши қарорига асосан 1936 йилда ойига 300 сўм миқдорида белгиланган шахсий нафақани ва совға қилинган «Лейка» фотоаппаратини гўё жосуслик фаолияти учун берилган, деб кўрсатишди.

Кўнгли пок Худойберган ота терговда берган кўрсатмаларидан бирида: «Мен бир кекса суратчиман ва «Правда Востока» газетасининг хизматчисиман, совға ва нафақа менга жосуслик учун эмас, балки халқим учун узоқ йиллар қилган хизматларим эвазига берилган», дея жами бўҳтонларни инкор қилди. Шундай бўлса-да, 1938 йил 4 октябрда Девоновнинг иши СССР Олий судининг ҳарбий ҳайъатида кўрилиб, у ўлимга ҳукм қилинди. Ҳукм шу куниёқ ижро этилди.

Йигирма икки йилдан кейин ноҳақ қурбон бўлган Худойберган Девонов оқланди. Унинг 75 ёшга кирган рафиқаси Бикажон она Отажоновага шўро ҳукумати қўл учида нафақа тайинлади, қамоққа олишдаги тинтув чоғи мусодара қилинган соати ва ов милтиғи учун номигагина ҳақ тўланди, холос. Надоматлар бўлсинки, ҳибсга олиш пайти олиб кетилган қўлёзмалар, юзлаб шахсий хатлар, ноёб китоб ва журналлар, 1907-1937 йиллар мобайнида суратга олинган бетакрор киноленталар ва юзлаб фотосуратлар қайтарилмади. Аслида улар аёвсиз равишда ёқиб ташланганди.

Биз истеъдодли ўзбек оператори ижодини тасодиф туфайли сақланиб қолган киноленталар ва фотосуратлар орқали биламиз, холос.

Хиванинг «Ичон қалъа» тарихий-меъморий музей қўриқхонасида шаҳид кетган истеъдодли суратқаш Худойберган Девоновнинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи музей очилди. Бир вақтлар у истиқомат қилган кўчага биринчи ўзбек киооператори номи берилган. Урганч шаҳрида унинг номи билан аталувчи кинотеатр бор.

Қатағон қурбонларини ёд этиш халқимизнинг муқаддас бурчидир. Зеро, хотирасиз халқнинг, ўтмишини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Шундай экан, Х.Девонов сингари умри бевақт хазон бўлган юртдошларимиз ёди ҳамиша қалбимизда.

■ **Қодир ЭРНАЗАРОВ,**
Абдулла ЮСУПОВ

✧✧✧

Суратда: (чапдан ўнгга) Мадамин Гужум, Худойберган Девонов, Бобожон Девон Қутлумуродов (1920 й. Хива шаҳри)

ХРОНИКА

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларни қишга бормасдан тугатиш мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди. Аввал хабар берганимиздек, ҳозир Афғонистонда АҚШ ҳарбий пиёдаларидан иборат махсус гуруҳ фаолият юритаяпти. Ушбу гуруҳнинг сони ҳақида турли хабарлар мавжуд. Ахборотлар дақиқа сайин ўзгариб тургани боис, бу борада аниқ бир рақамларга тўхталишга имкон йўқ. АҚШ пиёдалари фақат ҳаво зарбалари учун координатлар аниқлаштириш билан чегараланмайди. Хориж матбуотининг маълумотига кўра, яқинда АҚШ пиёдалари ва террорчи толибларнинг «асилзодалар дивизиони» деб аталаётган гуруҳи билан кескин жанг бўлиб ўтган ва бу жанг АҚШ пиёдалари фойдасига ҳал бўлган. «Асилзодалар дивизиони» асосан бошқа мамлакатлардан келган ашаддий жангарилардан иборат бўлиб, Усама бин Лодиннинг энг ишонган ҳарбий қисмларидан биридир.

Кейинги пайтда Шимолий қўшин Мозори Шариф шаҳрига ёриб киришга муваффақ бўлди, деган маълумотлар тарқалди. Бироқ бу хабар ҳозирча бирор расмий вакил томонидан ўз тасдиғини топганича йўқ.

Колин Пауэллнинг ҳарбий ҳаракатларни қишгача якунлаш изоҳига қараганда, АҚШ ҳужум навбатини ҳаво зарбаларига эмас, пиёда қўшинлари ҳисобига кучайтириши лозимга ўхшайди.

Буюк Британия бош вазири Т. Блэр вакилининг маълумотига қараганда, ҳарбий ҳаракатларнинг янги босқичида Британия ҳарбийларининг ўрни ҳақида музокаралар олиб борилмоқда. Музокаралар натижасида Британия қўшинларининг ҳарбий ҳаракатдаги фаолияти янада фаоллашиши ёки аниқ чегаланиши кутилмоқда. Бунда, хусусан, инглизларнинг машҳур SAS гуруҳининг тажрибасига таянилмоқда. Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро эса Афғонистоннинг келажакдаги қиёфасига Британия муносабатини ифода этадиган баёнотга ҳозирлик кўраяпти.

Умуман АҚШ Афғонистон ҳудудида ҳарбий ҳаракатнинг янги босқичини бошлаши биланоқ, кейинчалик мамлакатда қандай ҳукумат бўлиши ҳақидаги музокаралар кучаймоқда. Маълумотларга кўра, бундай учрашув Покистон воситачилигида АҚШ ва толибларнинг ташқи ишлар вазири билан ҳам ўтказилган.

Европа иттифоқининг ташқи ишлар бўйича координатори Хавьер Солана эса Римда Афғонистоннинг собиқ шоҳи Зокир Шоҳ билан ушбу масала юзасидан учрашув ўтказган. Худди шундай учрашув Покистонда Россия Президенти В. Путин ва Афғонистоннинг собиқ президенти Б. Раббоний ўртасида ҳам ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, дунё жамоатчилигининг Афғонистонда қандай ҳукумат бўлиши ҳақидаги аниқ бир хулосалари ҳозиргача ифода этилмади. Умуман бу кутилганидан кўра мураккаброқ масалага ўхшайди. Чунки, янги ҳукумат Афғонистоннинг барча этник вакилларининг қизиқишларини ўзида мужассам этган бўлиши лозим.

Ҳарбий ҳаракатлар шундай суръатда давом этаверса, тез орада якун топиши ҳам мумкин. АҚШ мудофаа кучларининг штаб бошлиғи генерал Ричард Майерснинг Эй-би-си телекомпаниясига берган интервьюсига кўра, «Ал-Қаида» гуруҳининг жангчилари артиллериядан ва танклардан ўққа тутилган, террорчи толибларни бир-бири билан боғловчи воситалар яксон қилинган. Худди шу интервьюдан маълум бўлишича, Кобулда террорчи толибларнинг ҳарбий кенгаши ҳам ўтказилган ва унда АҚШ махсус гуруҳларига қаршилик кўрсатиш учун ҳаво зарбалари чоғида яширилган ҳарбий техникалардан фойдаланиш борасида қарор қабул қилинган.

Яна Колин Пауэллнинг Сиэн-эн телекомпаниясига берган интервьюсидан шу нарса маълумки, яқинлашаётган ийд Рамазон ойида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ташаббуси дипломатларга эмас, ҳарбийларга боғлиқ экан.



XORIJDA

МРБ МУКОФОТ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

АҚШ конгрессига террорчилар томонидан уюштирилган сибир қуйдиргиси эпидемияси оқибатида яна бир киши хасталанган. Вашингтондаги хатлар билан ишлаш бўлими ходимида хасталикнинг ўта оғир формаси кузатилган. Шу билан АҚШда сибир қуйдиргисига чалинган фуқаролар тўққиз кишини ташкил этаяпти. Конгресс эса сешанбага қадар, яъни мутахассислар хавфсизлик чораларини тугатишмагунга қадар танаффус эълон қилган.

МРБ бошлиғи Мюллер почта орқали бактерияларни тарқатаётган жиноятчиларни аниқлашга ёрдам берган фуқароларга миллион доллар мукофот ваъда қилди.

ГЕРМАНИЯ. ДЮССЕЛЬДОРФ КЎЧАЛАРИ

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

ВАЗИЯТ ЧИГАЛЛАШМОҚДА

Исроил ва Фаластин кескинлиги Исроил вазири Рохавана Зевига уюштирилган суиқасддан сўнг яна мураккаблашди. Маълумки, ушбу қотилликка жавобгарликни Фаластин халқ озодлик фронти ўз бўйнига олган. Айни пайтда ушбу фронт Фаластин ҳукумати томонидан бекор қилинди, яъни ҳаракат қонундан чиқарилди.

Суиқасддан сўнг Исроил танклари Фаластин тасарруфидаги ҳудудларга киришди ва ҳозиргача у ерларни ўз назоратларида ушлаб туришибди. Фаластин маъмуриятининг баёнотига кўра, Фаластин халқ озодлик фронти ушбу ҳаракати билан фаластинликлар манфаатига зид иш қилган.

Хуллас, Исроил ҳарбийлари ва фаластинликлар ўртасидаги зиддият чоғида тўрт нафар фаластинлик ҳалоқ бўлган. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Пересни музокаралар учун имконият топишга чақирди. Исроилга нисбатан шундай позицияни АҚШ маъмурияти ҳам баён этган.

«КУРСК» ОПЕРАЦИЯСИ ТУГАДИ

Ниҳоят Россиянинг ҳалокатга йўлиққан «Курск» сув ости кемаси «Гигант-4» ёрдамида Мурманскдаги портга келтирилди. Яқин кунларда Россия бош прокуратураси ҳалокат сабабларини аниқлашга киришади. Эслатиб ўтамиз, сув ости кемасида ҳалокат оқибатида нобуд бўлган денгизчиларнинг жасадлари ҳам сақланмоқда.

АВИАКОМПАНИЯЛАР ЁРДАМГА МУҲТОЖ

АҚШда рўй берган террорчилик ҳаракатлари, айниқса, авиакомпаниялар иқтисодига жиддий зарар етказди. Кўнлаб авиакомпаниялар ўз ишчилари сонини қисқартиришди. Шунингдек, ҳаво йўналишида қўшимча хавфсизлик чораларини қўллаш чипта нархларининг ошишига олиб келди. Шу билан бир қаторда йўловчилар миқдори кескин пасайди.

British Aiways компаниясининг директори Род Эддингтоннинг маълумотига кўра, ушбу иқтисодий танглик оқибатида Европадаги 15 га яқин авиакомпаниялардан фақат учтасигина ўз иш қобилиятини сақлаб қолиши мумкин. Унинг сўзларига кўра, бугун авиакомпаниялар ҳукуматнинг моддий кўмагига ўта муҳтож. Бу борада АҚШ ўз авиакомпанияларига 16 миллиард долларга яқин ёрдам уюштирган. Эддингтон Тони Блэрдан ушбу муаммо юзасидан ёрдам сўрашини таъкидлаб ўтди.

Internet хабарлари асосида тайёрланди

МАКТУБ

СОКИН ДАРЁ ШИДДАТИ...

Ассалому алайкум, Қалдибек оға! Кузнинг сокинлик оғушида титраётган боғлари ичра тўкилган япроқларга қараб, инсоннинг умри ҳам шу-да, ҳаёт дафтарининг варақлари ҳам худди кузак барглари янглиғ бир-бир ўқила бошлайди, тўкила бошлайди, деб ўйлаймиз. Умримизнинг кунларини биз дарахтлардан тушаётган сарғиш барглларга қиёсласак, бу кунларда ҳаётимизнинг мазмун-моҳияти ёзилганини англасак, бу дунёга келиб нима ишлар қилдик, нималар армон бўлиб қолди — тушуниб етишимиз қийин эмас. Қалдибек оға, сиз билан бугун кўнгилдан сўзлашиб турган пайтимизда, умрингиз карвони айни олтмишинчи довондан, олтмишинчи сўқмоқдан ва ирмоқдан ўтиб бораяпти. Бу умрни, бу ёшни ҳар ким ўзича яшаб, ўзича ошаб ўтади. Кимлардир юксак мартабага эришади, кимлардир бойлик орттиради, кимлардир ҳеч нарса қилмасдан, ўзгаларнинг қадамини ўлчаб, нега бошқалар ундай, нега бошқалар бундай, нега мен уларчалик бўлолмадим, деб ҳасрату ҳасад билан яшайди.

Кишининг феъл-атвори, характери ўзи туғилиб ўсган ер, ўз яқин биродарларининг муомаласи ҳамда ушбу икки унсурга нисбатан муносабатидан келиб чиқиб шаклланади, десак хато қилмаймиз. Қалдибек оға, биз сизни сокин оқаётган дарёга, бироқ қаҳрига шиддат ва шижоат сингиган дарёга қиёс этамиз. Феъллингиздаги кенглик қозоқ яйловларининг бепоёнлиги, уфқларга туташ адирларининг сарҳадсизлиги билан ўлчанса не ажаб. Ёзганларингиз, турли жанрлардаги чиқишларингизда ҳам қозоқ ва ўзбек халқининг ўзига хос томонларини усталик билан тасвирга олар экансиз, ижодингизнинг илдизи халқ қайфияти, қудратли куч — табиатнинг ўзига хос мафтункорлигида деб тушунамиз.

Агар ижодкор кўнглида борлиқ ва мавжудликни тўлалигича муҳаббат билан ўз қалбига жойлаб билмас экан, албатта, ёзганлари ишончсиз, жонсиз чиқади. Биз Қалдибек Сейданов китоблари, шеърий тўпламлари, публицистик мақолаларидан бир нарсани англаймиз — маҳорат туркий халқлар урф-одатлари, маданияти, адабиётидан озиқланиш эканлигини тўғри англагансиз. Бундан ташқари, бугунги адабиёт, халқ характери, ўқувчини жалб қила билишнинг энг оддий ва мураккаб усули ҳаётийликни бадиий тасвирлаш — бу ҳазилакам гап эмас.

Ҳар қандай ижодкор ҳам ишласа, ишлаганда ҳам терлаб ишласа, ўз қалбини ишлата билса, тафаккурига туйғулар оҳангини сингдирса, бир сўз билан айтганда, илҳом парисини ижод столи ёнига чақира билса, у ҳеч қачон ютқазмайди. Истеъдод эса ўз-ўзидан машаққатли меҳнат эвазига шаклланади. Буни бежиз айтмаяпмиз. Сиз қозоқ ва ўзбек тилларида турли мавзуларда қалам тебратиб келар экансиз, энг аввало қозоқ ва ўзбек адабиётининг мангу ва абадий ҳамкорлигини бош мақсад қилиб қўясиз. Шунинг учун бу икки улкан халқ маданиятига сезиларли таъсир қилган ва уларсиз дунёга юз буриши маҳол саналган бошқа туркий халқлар, қардошларимиз адабиётининг йирик вакиллари ижодидан ҳам халқларимизнинг баҳраманд бўлишини истаган инсонсиз.

Масалан, «Мухтор Авезов ва қардош халқлар адабиёти», «Абай абадияти», «Навоий ва Абай», «Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти» сингари кўплаб илдизи чуқур кетган бадиий мақолаларингизда инсоният яратган санъатлар ичида энг дурдона ва умрбоқий бўлиб қолмиш адабиёт ҳақида дадил фикрларни айта олдингиз. Бу ўринда сиз ўйлаган мақсад жуда ҳам кенг қўламли эди.

Инсон доимо ўз атрофидаги тор ва биқиқ қолипни ёриб ўтиши керак. Шундагина у ўзи атрофида айланиб қолмайди, бильакс олисларга назар ташлайди. Бутун дунё адабиёти, океан орти ва Лотин Америкаси адабиёти деймизми, уларни ўрганиш, ҳис қилиш дунё халқларининг қадим маданияти моҳиятини чуқур таҳлил қилиш учун бизга, бугун ўз оёғимиз тегиб турган заминнинг қудратли адабиёти, уни яратган даҳоларнинг ўқарашлари таниш бўлиши керак. Яъни, биз ўз қардошларимиз, ўз юртдошларимиз — буюк даҳоларнинг интилишлари, ўй-хаёллари адабий мушоҳадаси орқали жаҳон тараққиётини кафтимизга олиб кўришимиз, қалбимизга жо қилишимиз мумкин.

Адабиёт инсонга хизмат қилади, адабиёт инсонни кашф этади, адабиёт инсонни тушунишга ҳаракат қилади. Демак, ҳар қандай адиб мана шу ўлчов билан ўзини имтиҳон қилса, у ҳеч қачон майда-чуйда асарлар, ўткинчи фикрларга ўралашиб қолмайди.

Қалдибек оға, сиз халқларимиз ўртасида нафақат адабий ришталарни боғлаш, елкадош бўлиш, яъни бир отаонанинг фарзандлари эканлигимизни унутмаган ҳолда, бутун инсониятга адабиёт, инсонийлик сабоғини бериш керак деган ғояни илгари сурган ижодкорлардансиз. Бундан ташқари, сиз ёзган асарларда қозоқ халқининг ўзига хос хусусияти жуда аниқ ва тиниқ образларда шаклланган. Очиғи, сизнинг «Она армони», «Ажойиб келин», «Оқ қиз», «Муҳаббат машаққатлари» сингари прозаик асарларингизни туташтиргувчи мусаффо бир ришта бор. Бу инсон ва табиат уйғунлиги, инсоннинг онгу ўйига доимо нафақат ҳаётнинг машаққатлари, балки атроф, борлиқ ҳам таъсир қилиши хусусида.

Кенг яйлов. Адирларда ўтовлар. Ҳув, уфқларга туташ кенгликнинг ўнгай жойида сурувлар кўзга ташланади. Ҳаводан қайнаётган сутнинг ҳиди келади. Оёғинг остидаги майсалардан баҳорнинг ёниқ бир ҳиссиётли нафасини туйгандай бўласан. Осмон тип-тиниқ. Замин зангор. Гўё еру осмон бир-бири билан яқинлашиб келаётгандай. Ана шундай кезда, дўмбира садоси дунёни сел қилиб, кўнгилларни сув этиб, борлиққа сингий бошлайди. Олис достонларнинг буюк қаҳрамонлари кўз олдингда пайдо бўлади. Қозоқнинг жозибали оҳангидан этинг жимирлайди. Ва шунда биласанки, бу оҳанглар замирида ҳам сен ва сенинг халқингга таниш ва уйқаш бир сирлилик бор. Бу сир қардошлик, яқинлик ипи билан боғланганини ҳис қиласан.

Адабиётнинг кучи шундан. Абадиятнинг кучи шундан. Сиз устоз шоирлар Абдулла Ориф, Эркин Воҳидов, насримизнинг заҳматкашлари Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик каби қалам соҳибларининг ижодини қозоқ тилида янграши учун фидойилик қилган таржимон ҳамсиз. Бундан ташқари тиниб-тинчимас публицист, республикамиздаги нуфузли нашрлардан бири «Нурли жол» газетасининг бош муҳаррири сифатида ҳам анча таниқлисиз. Қозоғистон Республикаси Гуманитар фанлар академиясининг академиги, 600 га яқин публицистик ва бадиий-тарихий мақолалар ёзган ижодкорсиз. Мамлакатимиз маънавий ҳаётидаги муносиб ўрнингиз ҳукуматимиз томонидан эътиборга олинди. Сиз «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига мушарраф бўлдингиз.

Инсоннинг кимлиги ҳақида гапирганда, унинг юртида, элида обрў-эътибори нечоғлик эканлигини ҳам эслайдилар. Қалдибек оға, сиз нафақат қозоқ халқининг, балки ўзбек халқининг томири мустаҳкам, эътиқоди собит зиёли ўғлонисиз.

Сизни муборак 60 ёшингиз билан қутлаб, укаларингиз:

■ **Азим СУЮН,**
Қўчқор НОРҚОБИЛ

✧✧✧

Суратда: Чингиз Айтматов ва Қалдибек Сейданов (чапда).

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

ДАРДГА ДАРМОН БЎЛИБ

Болалигида оқ халат кийган шифокорларга ҳавас қилиб, «катта бўлсам албатта дўхтир бўламан», дея кўнглига ҳеч бўлмаса бир бор тугиб қўймаган инсон бўлмаса керак. Ахир оёғимизга тикан кирса ҳам дўхтирга югурамиз-да. Иссиғимиз чиқадими, ошқозонимиз оғрийдими, мурожаат қиладиган одамимиз оқ халат кийган киши бўлади. Чунки у бизни онамиздай меҳрибонлик билан қарши олади. Дардимизга дармон бўлади.



Мустақиллик даврида тиббиёт соҳасида ҳам муҳим ислоҳотлар бошланди. Қишлоқ врачлик пунктларининг ташкил қилиниши чекка-чекка қишлоқлардаги аҳоли соғлиғини ҳимоялашда муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Илгари биринчи ёрдам бериш учун бемор фалон чақирим узоқликдаги туман марказидаги шифохонага олиб борилган бўлса, ҳозир ҳатто жарроҳлик ишлари ҳам қишлоқнинг ўзида амалга оширилмоқда. Тиббиёт соҳасидаги яна бир муҳим ўзгаришни шошилинч тиббий ёрдам марказларининг ташкил этилишида кўриш мумкин. Бу жараён Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонидан кейин бошланди, десак хато қилмаймиз.

Бу борада илк қалдирғоч бўлган Самарқанд вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказида ҳозирги кунда 317 врач ва 490 ҳамшира кеча-ю кундуз беморлар дардига малҳам бўлиб келишмоқда. 18 та бўлимдан иборат мазкур марказ замонавий тиббий ускуналар билан тўла жиҳозланган.

— Ўтган вақт ичида марказимизга 99772 чақириқ бўлди, — дейди марказ бошлиғи Абдуманнон Рафиқов. — Уларнинг ҳаммасига аъло даражада хизмат қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Беморларнинг дардига малҳам бўлиб, доимо уларнинг раҳматини эшитиб юришни жамоамиз шиор қилиб олган. Зеро, тиббиёт соҳасидаги ҳукуматимиз олиб бораётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам шу.

Марказ бошлиғи, олий тоифали врач Абдуманнон Рафиқов таъкидлаганидек, халқнинг раҳматини олиб ишлаш ва бу фазилатнинг ишнинг сифат кўрсаткичига айлантирилиши ҳам ислоҳотлар натижасидир. Зеро, миннатдор одамлар кўпаяяптими, демак, иш яхши бўлаяпти, элнинг саломатлиги мустаҳкамланаяпти. Эл саломатми, келажак соғломдир, миллат қудратлидир.

■ **Ислом ҲАМРО**

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

ХУРМОДА ЮЗ БИР ХОСИЯТ

Таниқли адиб Абдулла Қаҳҳор Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманига бориб, Эргаш Жумаев ҳовлисидаги уч кунлик келиндек эгилиб турган хурмони кўриб ҳайратланган экан. Шунда мезбон ўқ илдизини тоқ қайчи билан кесиб бериб, меҳмонни қузатган.

Адиб Кибриёхон опа билан маслаҳатлашаркан:

— Хоним, бу хурмо дегани жой танлар экан, жойини топса ўрик, олма дарахтидай бўлиб кетаркан. Мана буни татиб кўринг-а, худди жаннат мевасининг ўзгинаси, новвотнинг ўзи-я, деган эканлар.

Менга бу ҳақда Ўзбекистон ёзувчилари Адабиёт фонди директори бўлиб ишлаганимда айтишган. Устозни хотирлаб борганимда ҳовлидаги бир туп қучоқсиғмас хурмони кўриб, Тошкентда бу меванинг кўпайишига устоз сабаб бўлган эканлар шекилли, деган хаёлга борганман.

Кейинги беш-ўн йил ичида пойтахтда хурмо экиш удумга айланди. У шароитга мослашди. Ҳозир минглаб ҳамшаҳарларимиз ҳовлиларини хурмонинг қизғиш, сариқ, лимонранг каби ўнлаб навлари безаб, ҳосилини кўз-кўз қилиб турибди.

Хурмонинг юз бир хосияти бор деса, ишонаверинг. Ҳозир республикамизнинг кўп вилоятларида хурмо ғарқ пишган палла. Аммо унинг шифобахшлигини ҳамма ҳам билмаса керак. Шуни айтиш керакки, у ўта новик, мўрт мевали дарахт, совуққа чидамсиз.

Ер юзи бўйича хурмонинг 200 дан ортиқ тури бўлиб, Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Шимолий Америка мамлакатларида ўсади. Хурмо октябрь, ноябрь, декабрь ойларида пишиб, дастурхонни безайди, ўта лаззатли мева сифатида элга манзур. Бу йил эса хурмо сентябрь охиридаёқ пишиб етилди.

Биолог олимлар ва олий тоифали шифокор, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 6-сонли болалар юқумли касалликлари шифохонаси бош шифокори Дилоромхон Тўраеванинг таркибий текшириш натижаларига кўра, хурмо таркибида қанд, оқсил, мой, олма кислотаси, С дармондориси, пектин, танин каби моддалар бўлиши билан бирга, гликозид, флавонивид, органик кислоталар ҳам мавжудлиги аниқланган.

Хурмо Оллоҳ яратган шундай неъматки, унда инсон организми учун 20 га яқин керакли моддалар бўлиб, саломатликка хизмат қилади. Буни қарангки, унинг таркибида қонни кўпайтирувчи, саломатликни мустаҳкамловчи, яъни магний, темир, рух, мис сингари маъданлар бор экан.

Умрининг 40 йилини терапия, невропатология илмига бағишлаган олий тоифали шифокор Мўътабархон Азлархонованинг хурмо ҳақидаги таърифига кўра, унда асабни тинчлантирувчи йод моддаси ҳам бўлиб, камқонлик, камқувватли беморларга фойдалидир. Ёввойи хурмо эса қон босимини меъёрлаштиради.

Жаррох, профессор Латифхон Нажмиддинов тажрибасига кўра, хурмонинг юмшоқ қисми пўсти билан ярага боғланганда, йирингли яраларнинг тузалиши фаоллашгани аниқланган. Шунингдек, хурмо пархез мева сифатида ҳам тановвул қилинади. Абу Али ибн Сино эса хурмо данагининг ични тозаловчи хусусиятини таъкидлаган. Агар кексаларимиз вақти-вақти билан хурмо тановвул қилишса, қабзиятни бартараф этиши мумкин.

Қандли диабет бўлганлар мутахассис тавсияси билан тановвул қилишгани маъқул. Унутмайликки, хурмони сутдан кейин еб бўлмас. Ич сурувчи восита сифатида сут билан ейиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳа, турли ширинликлар, дори-дармонлар, витаминлар, маъданлар, олма кислотаси каби моддалар ўрнини босадиган хурмони авжи пишган палласида тановвул қилишни унутманг.

■ **Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ**

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'gli

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Farg'onada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2902

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

КУЛГУ — УМР ЗИЙНАТИ

Судья:
— Сиз бошқа одам бўлишга уриниб кўринг?
Айбланувчи:
— Уриниб кўрдим. Мени шу заҳоти ушлаб, ҳужжатларни қалбакилаштирганим учун қамадилар.

✧✧✧

Судья:
— Нима учун «гувоҳ ғирт маст эди?» деяпсиз?
— У телефон буткасига кириб, бир соатча ғимирлаб турди. Кейин «лифт ишламаяпти» деб ўдағайлаб сўкиниб чиқди...

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2001 йил 23 ноябрь, 7, 21 декабрь кунлари соат 10.00 да кимошди савдолари ўтказади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИДА

қуйидаги манзилларда жойлашган савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қуриш учун мўлжалланган ер майдонларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади.

№	Ер майдони жойлашган манзил ва қуриладиган шаҳобча тури	Ер майдонининг сатҳи	Бошланғич нархи, сўм
	Шайхонтоҳур тумани		
1	Фаробий ва лойиҳадаги Г-46, Ом. кўчалари кесишувида супермаркет, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда иссиқ-нон ишлаб чиқариш корхонаси қуриш учун (2 та ер майдони)	0,07 га.	2 628 611
2	Тошкент автомобиль халқа йўли «Белтепа» даҳасида қаҳвахона ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,086 га.	2 428 631
	Собир Раҳимов тумани		
3	Мирзо Ғолиб кўчасида озиқ-овқат дўкони қуриш учун	0,012 га.	684 611
	Ҳамза тумани		
4	С. Калишев кўчасида гўзаллик салони қуриш учун	0,0144 га.	4 492 090

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек, ушбу савдоларда:

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Азизов маҳалласи, «Ўртаовул»да жойлашган «Аква-Сальвэ» МЧЖга қарашли бино, омборхоналар ва бошқа асосий воситалар, бошланғич нархи — 34242480 сўм.

Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Кимошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

SAS TECHNOLOGY

РЕВОЛЮЦИЯ в пищевой промышленности

Пищевые комплексы технологии SAS

Технологическое оборудование по производству:
ДРОЖЖЕЙ, МУКИ, ТЕСТА, РАСТИТЕЛЬНОГО МАСЛА, МАКАРОН, МАРГАРИНА, КОМБИКОРМОВ

Любое технологическое оборудование в области пищевой промышленности по заказу клиента

Проектирование и сдача комплексов "под ключ"
Реконструкция и модернизация действующих производств
Содействие в составлении технико-экономического обоснования

Доказательство успеха: сотни комплексов работающих во многих странах мира

ANA GROUP

Офис в Стамбуле - Тел.: (0212) 249-46-56 (pbx), Факс: (0212) 251-35-28
Офис в Москве - Тел.: (007-095) 941-86-59, Факс: (007-095) 941-86-60
Офис в Ташкенте: ул. А.Темура, 107-б, 5-й этаж, комната А-9
в здании Международного Бизнес Центра
Тел.: (998-71) 101-56-88, 120-79-84, 120-79-85. Факс: (998-71) 120-79-86
Web site: www.sas-tech.com
e-mail: sas@sas-tech.com

INDIA, TURKEY, NETHERLANDS, BULGARIA, RUSSIA, FRANCE, UKRAINA, ALGERIA, ROMANIA, TUNISIA, MEXICO, KAZAKHSTAN, AZERBADJAN, EGYPTE, IRAN, TANZANIA

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2001 йил 23 ноябрь, 7 декабрь кунлари КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога қуйидагилар қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бинолардан фойдаланиш департаментига қарашли:

— «ДАМАС» русумли автомобиль, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 523. Бошланғич баҳоси — 1 020 490 сўм;

— «НЕКСИЯ-GL» русумли автомобиль, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25-44 ТНС. Бошланғич баҳоси — 2 007 182 сўм;

Савдолар 10.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Навоий» бекати.

Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.